

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

Шу мард жангчи ўтган

ерларда,

Порлоқ ҳаёт бўлажак бўлди.

Инсон Ватани, туғилган уйи, бешиги тебранган муқаддас жойни она каби азиз тутди. Бу эзгу хислат ҳар бир инсонни одамнинг буюк инсоний бурчи. Тарихнинг икки мингинчи йили ўз эшигини очди. Келгуси йил учинчи минг йилликнинг остонаси. Инсон янги минг йилликка, янги башарий-олабий тарихга қадам қўяр экан, ўтмишга бир назар ташлайди, уни юрагидан ўтказди, ҳаётини йўлини, ҳатти-ҳаракатларини, заҳматлари унумли меҳнатини, қадру қимматини тарозуга солиб кўради.

Ўтган юз йиллик инсоният тарихида, олам тарихида кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Мунажжимлар энг кўп қуёв ва ой тутилиши, ер қимирлаши шу асрга кўради, деб баъшарат қилдилар. Бу аср икки марта жаҳон уруши тўфонларида оловланди. Уларнинг иккинчиси биз ўз кўзларимиз билан кўрганам.

Тўрт йил жангҳоқларда кўп воқеаларни кўрганлигим, ажалнинг юзига неча мартаба тик боқиб, Ватан бурчи йўлида кўрган-кечирганларим ҳақида сўзлашим мумкин. Лекин, мен урушда шердай олишган жанговар дўстларим ҳақида, уларнинг юрак сўзлари ёзилган номилари ҳақида қалам тебратмоқчиман.

Ушбу сатрларни қозғога туширарканман, жангларда мислсиз жасорат кўрсатганлардан бири, ховослик қахрамон курулдошим Жўраҳон Усмоновни кўз олдимга келтирдим. 1943 йил август. Уруш гирдобидида қолган Беларуссиянинг Сож дарёсини кечиб ўтиб, нариги қирғоқда бир батальонга яқин жангчилар мудоффа маррасини қурдилар. Фашист галалари тўхтовсиз ҳаммага ўтиб, шиддатли олишувлар бошланиб кетди. Батальон эса, икки кеча-ю икки кундуз тўхтовсиз жанг олиб бориб, фашистларнинг бир қанчасини йўқ қилди. Лекин ёв ана янги кучларини жангга ташлади. Дарёни кечиб ўтган батальондан сержант Жўраҳон Усмонов бошлиқ ўн киши қолади. Давомли отишмалар натижасида ўқ-дори ҳам охирилади. Ярадор Жўраҳон бир қўлига оқ рўмолчасини, соғ қўлига граната бойламани тутганча, окопдан кўтарилиб, ёв томонга юра бошлади. "Таслим бўлишяпти" деган ҳаёлда уни кузатиб турган фашистларга яқинлашган, қўлидаги гранаталарини босқинчилар оқоғига иригатида ва кўтарилган тўс-тўполондан фойдаланиб, тез ораксига қайтди. Душман катта талофат қўриб, чекинади. Плацдармин ушлаб туришда катта жасорат кўрсатганлиги учун Жўраҳонга Қахрамон унвони берилди.

Жўраҳон Усмонов билан бир фронтда жанг қилган оташнафас шоир Султон Жўра жасоратини ҳам хал-

қимиз асло унутмайди. У тўрт ёш фарзанднинг отаси, номдор ижодкор эди. Уруш бошланганда, ўзини четга олмайди. Шиддатли жангларда иштирок этди-ю болалари ёнига, юртига қайтолмайди. Юрғида сақлаб юрган озодлик қўшқларини айтолмай кетди. Лекин, унинг жасорати, жанговар қўшқлари қолди. 1984 йил феврал ойида Султон Жўранинг рафиқаси Мохира опа, ўғли Ботир ва кўеви билан Беларуссияга бориб, Султон этган жойни зиёрат этиб келди.

Хотира ва Қадрлаш куниди она Ватан фидойиларини, жанговар курулдош дўстларини, уларнинг ёзиб қолдирган ёдномаларини тилга олгим келади. Мен, 1941 йил июнь ойида Самарқанд Давлат университетидида ўқиган

Университетнинг филология факультетидида беш йил мен билан ёнма-ён тахсил қўрган ҳамқишлоқ дўстим Атомулло Тошматов Ашхободдаги десантчилар мактабидида сабоқ олган, 1943 йилнинг сентябрида Украина фронтига келайтиб, йўлдан синглисига бундай мактуб йўллади: "Мен 1943 йил 6 сентябрида Ашхободдан чиқиб, Туркменистон ерларини, Ўзбекистон гулзорларини босиб ўтиб, қўллаб дарёлар, тоғлар олиб, Москвага етиб келдим. Ўзбекистон боғларидан ўтиб келганда, унинг ширин ёш мева-ларидан тўйгунча еб ўтдик ва шу билан бирга гўё қадрдон Нов меваларини ҳам егандек бўлдим. Новилар анча эдик. Энди сиз жонагонларимизнинг осойишталиги ва бахтиёрлиги учун улуг жангга томон сафар этдик. Сиз ўз турмушингизни янада яхшироқ қилишга интилиб, бизнинг умрбод соғлигимизни, бахт ва ғалабамизни, душман-

Ҳабиб Юсуфий эса, мен хизмат этган армиянинг миномётчилар полкида бўлишма командири бўлиб, Польша ерларида, Нарев-Висла дарёлари ўртасидида Болтик денгизига чиқадиган майдонларда жасорат кўрсатиб, душманнинг пиёда қисмларига катта талофат келтирган. Нарев дарёси яқинидаги Вишкуп шахрини фашистлардан тозалашда Юсуфийнинг миномётчилари, шунингдек, мен сафиди бўлган иккинчи гвардия ўқчи батальон ҳам ёнма-ён туриб қатнашганмиз. Юсуфий 1945 йил 15 апрелда қахрамонларча ҳалок бўлди. Уни ўзи озод этган Вишкуп шахридаги ўртотқлик мазорига дафн этилди.

Акам Ашримат элга таниқли шоир ва журналист эди, укам Холмат ўқитувчи. Улар ортидан мен ҳам жангга жўнаганман. Ашримат пулемётчилар бўлимининг командири сифатида урушнинг бошидан охиригача қатнашиб, ярадор бўлса-да, даволаниб ана жангларда намуна кўрсатган. Укам Холмат 1941 йилда туғилган бўлиб, армияга ча-

дунёсига, жамият ҳаётига муносабатларига ва шахсий бурч йўлидаги ҳатти-ҳаракатларига кенг ўрин бериб, эсда қоладиган лавҳалар яратган. Адиб ўзи иштирокчи бўлган, ўзи қўрган воқеаларнинг жангномаларини яратиб қолдирди. Шўхрат самарали ижодкор ва ёш қаламашларнинг меҳрибон устози эди. У "Шарқ юлдузи" журналида кўп йиллар насрий асарлар бўлимини бошқарди. Ўз романлари, шеърый асарлари билан элга танилган Вали Фуфуров, Носир Фозилов, Шўхур Холмиразов, Ўткир Хошимов, Жонрид Абдуллахонов ва бошқаларга ижодий ёрдам кўрсатганликларини қалам соҳиблари яхши биладилар.

Ўтган оғир уруш йилларининг асратиди адиб қалбидида унутилмас дард бўлиб қолганди. Кўп жанговар қаламқаш дўстларимиз, фарзандларимиз жангҳоқлардан қайтмадилар. Уларга ёдгорликлар ўрнатилган, пойларидида мангу оловлар ёниб турибди. Хар йил баҳорда, Хотира ва Қадрлаш куниди аҳли юртимиз мангу олов, мотамсору она ёнига келади.

Асли ўзбек фарзанди қаерда бўлмасин, қайси мамлакатга тақдир элтамсин, туғилган юрти, тебранган бешиги, она алласини азиз тутди. Биз уруш ва меҳнат фахрийлари Ватан меҳри билан камол топанмиз, ажал коми тўфонларига бардош бериб, куч-қудратимиз, имон-этиқодимиз билан ўтиб келганмиз. Бу имон-этиқодимиз мерос этиб бўлгани ва келажакдаги фарзандларимизга қолдириб кетаялмиз. Дунёда Ватан биттадир, унга аҳду иймонимиз ҳам биттадир, уни унутган бахтиқародир.

Юртбошимиз Ислам Каримов халқимизнинг онан Ватанимиз тақдирини унга жавобгарлигини, доим оғоҳ бўлишни, уни қўриқлаш, осойишталигини асраш муқаддас бурчимиз эканлигини таъкидлаб, бундай деган эдилар: "Биз она Ўзбекистон истиқлолини, ўзингизнинг шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига тайёр туришимиз даркор".

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир янги нутқи, эл билан ҳар суҳбати, кўрсатмалари она Ватанимизнинг ривожига, жонагон халқимизнинг бахту саодатига, буюк истиқлолимизнинг истиқболига ҳаҳон аро эътибор, қадриятига қаратилгандир.

НАЗАРМАТ,

Уруш ва меҳнат

фахрийси.

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Бу йил вилоятда 21 минг 650 қўти ипак қўртини парваришлаб, жами 1050 тонна пилла етиштириш режалаштирилган. Бунинг учун жойларда барча зарур шарт-шароитлар яратилганми? Озуқа базаси етарлими? Пиллакорларнинг меҳнатини рағбатлантириш чоралари қўрилганми?

Мухбиримиз вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмаси агротехника бўлими бошлиғи Абдуқодир РАҲМОНҚУЛОВга ана шу саволлар билан мурожаат қилди.

— ВАЗИРЛАР Маҳкамасининг шу йил 15 мартда эълон қилган "Пиллачиллик озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан сўнг бутун республикада бўлганидек, бизнинг вилоятимизда ҳам пиллачилик соҳасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди, — деди А. Раҳмонқулов. — Аввало, озуқа базаси, яъни тўтзорларни тартибга келтириш ва парваришлашга жиддий эътибор қаратилди. Иккинчидан, пилла етиштириш режаси ҳар бир ҳўжаликдаги мавжуд озуқа базасига қараб белгиланди.

— Ҳўкумат қароридида ҳар бир ҳўжалик билан алоҳида тузилган шартнома асосида иш юритиш лозимлиги белгиланган. Вилоятда бу кўрсатмага қай даражада амал қилинди?

— Бирлашмамизнинг туман ташкилотлари ҳўжаликларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилган 1050 тонна пилла етиштириш юзасидан амалга оширилганди шартномаларни тўзиб бўлдилар. Шўнга яраша мавжуд инкубаторияларимизда 21 минг 650 қўти қўрт уруғи жонлантирилди ва 19 апрелдан бошлаб қўрт боқувчи хонадонларга тарқатишга киришилди. Умуман, бу йилги мавсумда 21 минг 650 оилада қўрт боқилди. Ана шу хонадонларда ипак қўртларини парваришлаш жараёнини назорат қилиб бориш ҳамда зарурат туғилганда керакли маслаҳат ва тавсиялар бериб бориш мақсадида 433 нафар пиллачилик агротехниклари ва бригада бошлиқлари тайинланди.

— Ипак қўрти хонадонларга тарқатилган шў кўнларда пиллакорлар амал қилишлари лозим бўлган асосий вазифалар нималардан иборат?

— Мўл ва сифатли пилла етиштиришнинг асосан иккита мўҳим шарти бор. Биринчидан, озуқа етарли бўлиши керак. Ҳўзир вилоятимизда 1622 гектар тўтзор ва 10 миллион тўпта қўрт ту дарахлари мавжуд. Бирок, бу маббадан керагича озуқа олиш учун парваришга зўр бериш зарур. Шу мақсадда қатор оралари юмшатилиб, ўғит берилмоқда, қондириб сугорилмоқда.

Иккинчидан, бутун мавсум давомида қўртларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик ва уларнинг бир текис ривожланишини таъминлаш мақсадида кичик ёшдаги қўртларни фақат майданланган барг билан хар икки соатда озиклантириш лозим. Қўртларнинг биринчи ёшида хонада аҳратилган жой икки квадрат метр, иккинчи ёшида 6, учинчи ёшида 12, тўртинчи ёшида 30, бешинчи ёшида 60 ва пилла ўраш даврида 70 квадрат метр бўлиши керак.

Хонанинг ҳарорати ва намлик даражаси ҳам хал қилувчи ўрин тутди. Масалан, биринчи ва иккинчи ёшда ҳарорат 26-27 даража, ҳаво намлиги эса 67-70 фоиз, учинчи ёшда ҳарорат 25-26 даража, намлиги эса 65-70 фоиз, тўртинчи ёшда ҳарорат 24-25 даража, намлик эса 60-65 фоиз, пилла ўраш даврида ҳарорат 25-26 даража, намлик эса 60-65 фоиз бўлиши лозим.

Қўрт касалликка чалинмаслиги ва сифатли пилла ўраши учун учинчи ва тўртинчи ёшдан бошлаб бир мартадан, бешинчи ёшда эса 2-3 марта ғаналаниши керак бўлади.

— Қўрт пилла ўрашга келганда даста танлайди, дейишадими...

— Тўғри. Агар ҳарфасаласизлик қилиниб, дасталар қўрт ёқтирайдиган ўсимликлардан тайёрланса, яхши пилла ўрамайди, натижада, ҳосил чўги камайд, сифати пасаяди. Шў боис қўртлар тўртинчи ёшга ўтиш билан даста йиғишга киришган маъқул. Бунинг учун илоҳи бориҳа қўрт-адирларга ўсадиган мингбўш, оқбўш, қарғатирноқ каби

бўталар ўриб келиниб, тоза ва салқин жойда қўритилади ва даста қилиб боғланади. Бир қўрт қўрт учун 300-350та даста тайёрланса, кифоя қилади.

— Энди асосий масалага келсак. Бу йил пиллакорларнинг меҳнатига қандай тартибда ҳақ тўланади?

— Ҳақиқатан ҳам пиллакорлар меҳнатини моддий рағбатлантириш тармоқини хар томонлама ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир. Бинобарин, Вазирлар Маҳкамасининг қароридида бу масалага алоҳида эътибор берилганлиги беҳиз эмас. Жўмладан, хар бир пиллакорга шартномада белгиланган миқдорда топишадиган маҳсулотнинг бир килограмми учун қўрт боқиш мавсуми бошланиши олдидан камида 75 сўмдан нақд бўнак пули бериш белгиланган. Вилоятимиз бўйича бу маблағ 100 миллион сўм бўлиб, у махсус очилган 23202 ҳисоб рақами орқали хар бир туман банкига етказилган ва айни кўнларда оилаларга тарқатилмоқда.

Умуман, бу йилги мавсумда топишиладиган пилла таркибидида биринчи ва иккинчи нав ҳамда навсиз, шўнингдек, ностандарт ва қорачоқ пилла қанча миқдорда бўлиши қараб килограммига 460 сўмгача нарх белгиланган. Ўртача нарх 380 сўмданга тўғри келади. Пиллакорларга тушунарли бўлиши учун мисол келтирамиз. Айтайлик, бир ҳўжалик юз қўти қўрт боқиб, ўртача 60 килограммдан пилла олди ва жами 6000 килограмм пилла топишди. Бундан тахминан 2 миллион 280 минг сўм даромад келди, дейлик. Бу сўмдан хар ҳўжалик мавсум давомида қилган харажатлар қоплангандан сўнг қолган маблағ пиллакорларга топишар пилласининг ҳажми ва сифатига қараб, иш ҳақи сифатида тўланади.

Суҳбатдош: Абдусамат йўлдошев.

Шўндайлар бор бўлсин

САДОҚАТ

Мен Оҳангаронга борсам, албатта, "Бирлик" ширкет ҳўжалигиди бўлиб, унинг раиси Анвар Назаров билан учрашаман. Суҳбатимиз мавзуси жуда кенг бўлади. Қўшқлоқда иккисодий ишловотларнинг бориши, мустақиллик берган неъматлар... Англиямани, А. Назаров ёши 70га борган бўлса ҳам ҳаҳон ўз аҳдиға содиқ қўлиб, эл-юртга жонақўлик билан хизмат қилиб келмоқда.

Шўнда беҳитиёр бундан 15 йил илгариги учрашув ёдга келади. Гап шўндаки, Анвар ака 1985 йилда бошқалар қатори собиқ тузумнинг гайриқонуний қатағонига учраганлардан бири эди. Бир куни муҳарриримиз мени қачириб: — Эшитдингизми, Анвар ака бутунлай оқланиб келибди, ишига қайта тикланибди. Биринчи, унрашиб, бир суҳбатлашиб келинг, — деб қолди. Шў баҳона Бекобод туманидаги А. Мавлонов номи жамоа ҳўжалигига йўл олдим. Кечки пайт у фаоллар билан иш якунлари ҳақида суҳбатлашиб ўтирган экан. У киши билан ўша кунги узок суҳбатлашдик. Ўтган кўнларни эсладик.

Отам нихоятда покдомон деҳқонлардан эди, — деди у. — Эсимни таниб, вояга етгач, мен шўндай насихат қилганлар. "Болам, униб-ўсаман десаң, орқа-ўнгингга қараб юр, қадамнинг билиб бос. Хали сеннинг баҳтинг, келажакнинг олдинда. Одамда биласан-а, иккита нафс бўлади. Ана шўни тиябилсанг, кам бўлмайсан. Қўқилмайсан". Мен ҳаётда ҳаҳиша отамнинг ана шў ути-

ишончини оқлаш, эл-юртга хизмат қилиш учун яна астойдил ишга киришганигизни айтган эди, ўшанда. Мустақилликка эришганимиздан сўнг у ўз ниятларини амалга ошириш учун янгиҳа гайрат билан ишлади.

Яқинда беш ўғил, беш қизимиз отаси, бир этак наби-рларнинг бобоси Анвар ота билан учрашдик. У ҳаётидан мамнунилигини, фарзандлари ақлли-хушли, ўқимли бўлиб етишганилиги, хар бири ўзига яраша бир ишнинг бошини тутганилиги, салқа хизмат қилганди, унрашгани айтидилар. У бу гапларни айттайтиб, рўпарасидаги турмуш ўртоғи сўратига тикилиб, қўзларига ёш олди. Раҳматли бу кўнларга етиб келганида эли...

Шўнда мен одамларнинг гапларини эсладим: — "Василаҳонга қойил қолиш керак. У эрининг ҳақиқини ҳаммадан яхши билади. Шўнинг учун у камалиб қолганда роса қуқниб, елди, югурди, учурашган идролари қолмади. Охири қасаликка қачилди. Эрига фақадор, саноқатли, оқибатли аёл бўлса, шўнчалик бўлади-да!"

Эҳтимол Анвар отанинг ҳам ҳаҳлидан ана шў фикр кечаетгандир. Укинманг, Анвар ота, аҳлингизнинг умрини сизга берсин. Сиз фарзандларингиз учун ҳали қўл янган, уларнинг баҳтини, тахтини ҳам қуравERING. Ана шўнда Василаҳоннинг ҳам руҳи шод бўлажак!...

Носир РИХСИЕВ.

2 МИНГ ТОННАСИ ҚАДОҚЛАНАДИ

"ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ" акционерлик жамиятида қадоклаш цехи ишга туширилганига бир йил бўлди. Корхонанинг бу кенжа бўлинимаси жамоаси янги технологияни пухта ўзлаштириб, мавжуд линия қувватидан фойдаланишни ой сайин ошириб бормоқда. Ўтган йили бу ерда 815 тонна ёғ қадокланган эди. Жорий йилнинг биринчи чорағи давомида эса 672 тонна қимматли озиқ-овқат маҳсулотни полиэтилендан ясалган 4,2 ва 5 литрлик идишларга қўйилиб, савдо шохбачаларига етказиб берилди. Цех

жамоаси йил давомида камида 2 минг тонна ёғни қадоклаш бўйича белгиланган режани муваффақиятли бажариш учун иш сўрватини ошириб бормоқда. Уларни унумли ва сифатли ишлашдан моддий манфаат қўришяпти, олаётган иш ҳақлари ортиб бормоқда. Кейинги пайтларда ойлик маош ўртача 17-18 минг сўмни ташкил этиди.

СУРАТДА: илгор ишчилардан Мукаррам Раимова ва Адолат Шариповалар маҳсулотни қадокламоқдалар.

Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.



ОЛАМ ҲАҒТА ИЧИДА

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Воқеалар тўлақунлида

● ХИТОЙ Халқ Республикаси раҳбари Цзян Цзэмин давлат ташрифи билан Жанубий Африка Республикасида бўлди. Сафар 27 апрель куни нихоясига етди. ● ЮГОСЛАВИЯ ҳўкумати кимёвий қўруллардан фойдаланимаслик, уларни ишлаб чиқармаслик, тўпласмаслик ва йўқ қилиш борасидаги халқаро конвенцияга қўшилишга қарор қилди. ● ЯПОНИЯНИНГ Миядзаки шаҳрида Тинч уммони-нинг жанубий қисмида жойлашган мамлакатлар раҳбар-

ларининг саммити бўлиб ўтди. Унда 16 давлат раҳбари иштирок этди. ● УРДУН подшоҳи Абдуллох иккинчи тахтга ўтиргандан сўнг биринчи марта ташриф билан Исроилга келди. Бу ерда у Исроил бош вазирини Ехўд Барак билан учрашиб, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашди. ● 24ДАН 15 АПРЕЛГА ўтар кечаси АКШ Флорида фазоғўждан кўп марта фойдаланувчи "Атлантик" самовий кемаси учирлиди. Унинг иккаси олти нафар америкалик фазоғўжилар билан биргаликда россиялик О. Усанов ҳам бор. "Атлантик" бўлажак халқаро станция "Заря" — "Юнити" билан туташиб, тадиқот ишлари олиб бормоқда.

УЛАМОЛАРИМИЗ ДОВРУҒИ

Ўзбекистонда ислом маънавиятини ўрганиш ва қайта тиклашда амалга оширилаётган ижобий тадбирлар мусулмон оламнинг эътиборини тобора ўзига жалб этмоқда.

Жорий йилнинг октябр ойида юртимизда буюк аломаларимиз Абу Мансур ал-Мотуридий ва Бурхонуддин ал-Марғинионий таваллудларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилиши араб давлатлари диний ва илмий доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Жўмладан, яқинда Миср ва Қувайтда нашр этиладиган "ал-Анба", "Аҳбор ал-муслимин", "ал-Лива ал-исламий", "ат-Такофул", "ал-Аҳбор" каби газеталарнинг сўнгги сонларида "Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида ислом уламолари хотирасига бағишланган халқаро конференциянинг" мавзусида

МАЪЛУМКИ, 15 майда Туркияда президент сайлови бўлиб ўтди. Ҳозирги президент Сулаймон Демирел номзодини янги муддатга қўрсатиш ва конституцияга ўзгартиш киритиш масаласи

лари бўйича ёзган бебаҳо асарлари, аҳдоқларимизнинг ислом динига қўшган улкан ҳиссалари эътибор этилади. Шўнингдек, ҳозирдан қатор араб давлатларидаги кўпгина университетлар, институтлар ва илмий-тадиқот марказларининг исломшунос, тарихчи олимлари маъжур халқаро анжуманда иштирок этиш ниятларини билдирмоқдалар. Бу ўз навбатида мусулмон оламидида ўрта Осиёлик уламо-лар — Бурхониддин ал-Марғинионий илмий меросини ва калом илмининг аллоҳмаси Абу Мансур ал-Мотуридий асос олган мотуридия таълимотиини ўрганишга бўлган қизиқиш қатталанишга қўрсатади. Зеро, бой ислом маънавий меросини тадиққ этиш, уни келажак авлодларга етказиш ёшлар билим савиясини янада кўтаришга хизмат қилади.

"Ҳаҳон" АА.

ЯНГИ НОМЗОД КўРСАТИЛАДИ

муаллаф қолгандан сўнг амалдаги ҳўкумат коалициясига қирувчи партиялар мамлакат президентлигига янги номзод кўрсатдилар. Бош

вазир Бюлент Ёжевитнинг маълум қилишича, бу лавозимга конституциявий суд раиси Аҳмед Неҳет Севернинг номзоди қўйилган.

ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИДА ЎЗГАРИШЛАР

АҚШ ташқи сибёсат маҳкамаси раҳбари Мадлен Олбрайт хоним давлат департаменти хавфсизлик тизимини қайта ташкил қилишга кўрсатма берди. Уч ой муқаддам бу ердан хотирасига ўта маҳфий маълумотлар жойланган компьютер йўқолган эди. М. Олбрайт бу воқеани АҚШ хавфсизлик илмий меросини ва калом илмининг аллоҳмаси Абу Мансур ал-Мотуридий асос олган мотуридия таълимотиини ўрганишга бўлган қизиқиш қатталанишга қўрсатади. Зеро, бой ислом маънавий меросини тадиққ этиш, уни келажак авлодларга етказиш ёшлар билим савиясини янада кўтаришга хизмат қилади.

АҚШ ташқи сибёсат маҳкамаси раҳбари Мадлен Олбрайт хоним давлат департаменти хавфсизлик тизимини қайта ташкил қилишга кўрсатма берди. Уч ой муқаддам бу ердан хотирасига ўта маҳфий маълумотлар жойланган компьютер йўқолган эди. М. Олбрайт бу воқеани АҚШ хавфсизлик илмий меросини ва калом илмининг аллоҳмаси Абу Мансур ал-Мотуридий асос олган мотуридия таълимотиини ўрганишга бўлган қизиқиш қатталанишга қўрсатади. Зеро, бой ислом маънавий меросини тадиққ этиш, уни келажак авлодларга етказиш ёшлар билим савиясини янада кўтаришга хизмат қилади.

ҲАМ ЯҲШИ, ҲАМ АРЗОН

КУБА шифокорлари томонидан яратилган янги вакцина СПИДга қалниган одамларни катта харажатлар қилишдан халос этиши мумкин. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирини Карлос Дотрес журналистларга шўни маълум қилиб, СПИДга учраган беморларни даволаш учун ҳозир йил-

ДУНЁНИНГ турли Гўшаларида

● ХИТОЙНИНГ Гуанчжоу шаҳрида сўнгги эллик йил ичида биринчи марта аёллар ўртасидидаги профессионал боксчилар рингига чиқдилар. Унда Миңчанг шатгадиган Кристина Кинг ва машҳур "чарм қўлқон" устаси Мўхаммад Алининг қизи Лайло Али куч синашдилар. Лайло катта фарқ билан рақибасини мағлуб этди.

● ВЛАДИМИР Цўркан — Молдова Республикаси ички ишлар вазирини. Уни ҳамма билади. У, аввал, муовин эди, сўнг қўтарилди... Оранда ҳеч вақт ўтмай, Владимир Цўркан деган амалдор вазирлигини пеш қилиб, одамлардан "чўтга" ундирга бошлади. Унинг ёнига оз вақт ичида 17 минг АҚШ долларини тушди... У ушладди. Лекин, бу Владимир Цўркан бор-йўғи вазирга адаш экан. У исми-шарифининг ўхшашлигидан фойдаланиб, мўмай пул ишлаб қолш режасини тузган эди. Аммо, унинг омади чопмади, оқибатда, панд еди.

(ҲАҲОН ОММАВИЙ А

ДУШАНБА, 1

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Тахлилнома".

8.40 Лирик тароналар.
9.10 Хотира ва Қадрлаш кўниги: "Ўзбектеlevision" намоиши: "Бибихоним", "Биб, Убайда".

9.30 "Ўзлик". Бадий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
10.25 Кундузги сеанс: "Париларнинг кузги совғиси". Бадий фильм.

11.40 "Сиз улари танийсиз".
12.05 "Соғлом авлод — бу бизнинг келажакимиз".
13.05 "Оталар чойнаси".

Муслик-дам олиш дастури.
14.10 "Футбол шарҳи".
14.30 "Соғин соҳили".

14.50 "Фалокат оёқ остида". Бадий фильм.
16.25 "Қишлоқ ҳақида уйлар".

16.45 Эрталаб — яхшиликка етканлар. "Қайнар туман".
17.40 Ўзбекистон телерадио-компанияси дўторчилар ансамблининг концерти.

18.10 "Аралаш-куралаш". Хажвий киножурнал.
18.30 "Тафсилот".

18.45 "Муслик бекати".
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Ўзлонлар.

19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталаври.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 "Ахборот".
21.05 "Истиклол — истиқбол".

21.25 "Ватан мадҳи". Муслик дастури.
22.00 Теннис бўйича "Фьючерс" Халқаро турнири. Андижон.

22.30 "Жив ва Вустер". Телесериал премьераси. 1-қисм.
23.20 "Ахборот".

23.50 "Маънавият" дастури.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

9.00 "Давр тонги".
10.00 Кўрсатувлар дастури.
10.05 "Янги авлод": "Уй вақфаси". "Шум болалар".

11.05 "Муслик лаҳзалар".
11.15 "Давр" ҳафта ичида.
11.55 "О, ёшлигим".

12.15 "Ватан ҳақида қўшиқлар".
12.25 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт—2000".

13.15 "Муслик лаҳзалар".
20.30 Баҳодир Йўлдошев театри: Мели Юсуф, "Чена".

14.55 "Олтин мерос".
15.05 "Манзур".
15.25 "Солиқ ҳақида сабоқлар".

15.40 "Якшанбада кўришгунча".
16.00 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт—2000".

16.50 "Муслик лаҳзалар".
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 "Янги авлод" почтаси, "Мультимоша".

17.40 "Шарқ эстрадаси".
17.55 "Қураш. Саполак полков хитирасига бағишланган халқаро турнир".

18.30 "Қишлоқдаги тенгдошим".
18.50 "Муслик лаҳзалар".
18.55 "Эски альбомдан".

19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс ва Ўқолаш".
19.55 "Душанба дастурдагилар ва бошқалар".

20.05 "Муслик лаҳзалар".
20.10 "Эрта сўнган юлдузлар" Лайло Алиева.
20.30, 21.25, 22.30 Ўзлонлар.

20.35 "Доктор Финли". Телесериал.
21.30 9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни. "Очун".

21.50 "Муслик лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Ўқолаш".

22.35 "Мухаббат ҳақваси". Телесериал.
23.20 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Ринг қироллари".

23.50 "Давр". Ахборот дастури.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.15 "Ринг қироллари".

0.35 "Муслик лаҳзалар".
0.45 "Тонг юлдузи".

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Эхтиром ила...".
18.00, 21.00, 22.30, 23.35 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

18.20 Телегазета "Экспресс".
18.45, 19.50 "Табриклаймиз, кутлаймиз".

19.30 "Спорт-тайм".
20.30 "Дорикона эшитди".
21.20 ТВда сериал: "Қора дур доналари".

22.00 Телегазета "Экспресс".
22.25 Оханлар ва Ўзлонлар.
22.50 ТВда сериал: "Машхур ва бадавлат одамлар".

23.55 "Хайри тун, шаҳрим!".

17.40 "Ўз-ўзига режиссёр".
18.10 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.20 "Дил изхори".

РЖТ
18.55 "Евгений Петросян тақлиф қилади". Концерт дастури.
20.00 "Время".

20.45 "Шлягер".
21.00 "Соккер-клуб".
21.20 "Дил изхори".

22.00 "Вести". РЖТ
22.35 Стинг, Паваротти, Иглесиас Сан-Ренодаги 50-фестивал қўшиқлари гала-концертида.

00.25 "Ахборот" (рус тилида)
00.50 "Тунингиз осуда бўлсин!".

СЕШАНБА, 2

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".

8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 "Ўзбек киноси ижодкорлари".

9.10 "Элол". Муслик дастури.
9.25 "Ўзбектеlevision" намоиши: "Абсонавий Бухоро".

9.45 "Шарқнинг машхур аёллари".
10.00, 12.00, 14.00 Янгилар.
10.05 Кундузги сеанс: "Оцеола".

Бадий фильм.
11.35 Болалар учун. "Қувноқ шаҳарча".
12.05 "Маънавият" дастури.

12.45 "Жив ва Вустер". Телесериал. 1-қисм.
13.35 Эстрада тароналари.
14.10 "Оталар сўзи-ақнинг кўзи".

15.20 "Қабул соати".
15.45 "Қаерда?" Бадий фильм.
17.10 "Мулдор".

17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Хоразм" жамоалари, учрашувидан репортаж. "Пахтакор".

Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танафус пайтида — Янгилар.
19.15 "Қуйла, ёшлигим".

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталаври.

20.15 "Шеър ва шуур".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Олам қўшқига тўлсин".

Муслик дастури.
21.35 Теннис бўйича "Фьючерс" Халқаро турнири. Андижон.
22.10 "Қизлар давраси".

23.20 "Ахборот".
23.50 "Япония ҳақида хикоялар".
00.10 "Панаянинг ўғирланishi". Бадий фильм.

1.40-1.45 Ватан тимсоллари.
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.

9.15 "Ёшлар" телеканалида.
9.20 "Янги авлод" почтаси, "Мультимоша".

9.55 "Муслик лаҳзалар".
10.05 "Аср қиёфаси".
10.25 "Ассалом, Хиндистон".

10.45 9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни. "Очун".
Утганлар ёди.
10.55 "Муслик лаҳзалар".

11.05 "Мухаббат ҳақваси". Телесериал.
11.50 "Муслик лаҳзалар".
12.00 "Душанба дастурдагилар ва бошқалар".

12.45 "Истеъдод—2000", "Таквим", "Ёшлик баёзи".
12.30 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Ринг қироллари".

Жаҳон чемпиони унвони учун жанг.
13.30 "Садо—99" саҳифалардан.
13.45 "Доктор Финли". Телесериал.

14.35 "Сурур". Муслик дастури.
14.45 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
15.45 "Муслик лаҳзалар".

15.55 "ТВ-саҳафат".
16.10 "Жаҳон эстрадаси".
16.25 Бухоро телевидениеси.

"Ёшлар" телеканали тақдим этади: "Муносабат".
16.50 "Муслик лаҳзалар".
16.55 Кўрсатувлар дастури.

17.00 "Янги авлод": "Эркатой", "Мультимоша".
17.35 "Жаҳон жуғрофияси".

"Қор йўлбарслари".
18.25 "Мугулаша".
18.40 "Таянч".

18.55 "Эски альбомдан".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс ва Ўқолаш".

19.55 "Душанба дастуридагилар ва бошқалар".
20.30, 21.30, 22.30 Ўзлонлар.
20.40 "Доктор Финли". Телесериал.

21.35 9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни. "Ёшлар овози".
21.55 "Муслик лаҳзалар".

22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Муслик лаҳзалар".
22.40 "Ўқолаш".

22.45 "Мухаббат ҳақваси". Телесериал.
23.30 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

Хафтаннинг энг яхши учрашуви.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.15 Интерфутбол. Хафтаннинг энг яхши учрашуви.

1.15 "Янги тонг".

19.30 "Спорт оламида".
20.30 "Туризм ҳақида".
21.20 ТВда сериал: "Қора дур доналари".

22.00 Телегазета "Экспресс".
22.25 Оханлар ва Ўзлонлар.
22.50 ТВда сериал: "Машхур ва бадавлат одамлар".

23.55 "Хайри тун, шаҳрим!".
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИ-ДЕНИЕСИ.

16.00 "Игорь Николаев: Ўттиз йилдан сўнг".
17.40 "Мультархипалак".
18.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.

РЖТ
18.10 Михаил Евдокимов ва унинг дўстлари.
20.00 "Время".

20.45 "ТВ-4 да Немис тўлкини".
21.05 "Спорт-клуб".
21.25 "Дил изхори".

22.00 "Вести".
22.30 "Дил изхори".
23.05 Кинематограф. "Қулуп-найли музаймоқ". Бадий фильм.

00.30 "Ахборот" (рус тилида)
00.55 "Тунингиз осуда бўлсин!".

ЧОРШАНБА, 3

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".

8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 "Опера санъати саҳифалари".

9.10 "Оламини асран!".
9.30 "Остонаси тиллодан".
Адабий кўрсатув.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 "Сергейат кампир".
Мультифильм.

10.15 Болалар учун. "Нурли келажак".
10.45 Кундузги сеанс: "Қизил қор ёққанда". Бадий фильм.

12.05 "Озод юрт одамлари". Бадий-публицистик кўрсатув.
12.20 "Шу кунлар шиддати".
12.40 Гёте. "Фауст".

Телевизион театр. 1-қисм.
13.30 "Ўзлонлар даврасида".
Муслик дастури.

14.10 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Семург" — "Турон".
14.55 "Бешбармок". Тележурнал.

15.20 "Парламент вақти".
15.40 "Шайлолмон кишилар". Бадий фильм.
17.00 "Ватанимга хизмат қиламан".

18.10 Болалар учун. "Ха, ха, ха".
18.30 "Иктисод ва биз".
18.40 "Наво таралсин". Муслик дастури.

18.50 Хотира ва Қадрлаш кўниги: "Умр мазмуни".
19.05 "Йилнинг юзи".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55, 22.20 Ўзлонлар.

19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталаври.
20.15 "Таълим-тарбия миллий дастури амалда".

20.30 "Ахборот".
21.05 "Истиклол — истиқбол".
21.25 "Санъатим—саодатим".

Муслик дастури.
22.00 "Футбол шарҳи".
22.25 "Жив ва Вустер".

Телесериал премьераси. 2-қисм.
23.15 "Қулги терапия".
23.45 "Ахборот".

00.15 "Қанотлар парвози". Бадий фильм.
1.45-1.50 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар Дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ёшлар" телеканалида.

9.20 "Янги авлод": "Эркатой", "Мультимоша".
9.55 "Муслик лаҳзалар".

10.00 "Давр" — интервью.
10.15 "2000 — йилдан сўнг". Телесериал. 33-қисм.

10.35 "Семург". Ўсмирлар учун дастури.
10.50 "Муслик лаҳзалар".
10.55 "Мухаббат ҳақваси".

Телесериал. 1-қисм.
11.40 "Таянч".
11.55 "Муслик лаҳзалар".

12.00 "Ҳақиқат чегараси". Телесериал.
12.25 "Азизим".
12.45 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

Хафтаннинг энг яхши учрашуви.
14.15 "Шамчирок".
14.30 "Муслик лаҳзалар".

14.35 "Доктор Финли". Телесериал.
15.25 "Олтин мерос".
15.35 "Довжораклар". Телесериал.

16.25 "Шарқ эстрадаси".
16.40 "Мезон".
17.00 "Бу ҳам кино". Телесериал.

17.25 "Кўрсатувлар дастури".
17.30 "Янги авлод": "Қувноқ учрашуви".
17.50 "Мультимоша".

18.10 "Давр". Ахборот дастури.
18.30 "ТВ-анонс ва Ўқолаш".
18.55 "Душанба дастуридагилар ва бошқалар".

20.30, 21.30, 22.30 Ўзлонлар.
20.40 "Доктор Финли". Телесериал.

21.35 9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни. "Ёшлар овози".

21.55 "Муслик лаҳзалар".

22.00 "Давр". Ахборот дастури.

22.30 "Муслик лаҳзалар".

22.40 "Ўқолаш".

22.45 "Мухаббат ҳақваси".

Телесериал.

23.30 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

Хафтаннинг энг яхши учрашуви.

0.00 "Давр". Ахборот дастури.

0.15 Интерфутбол. Хафтаннинг энг яхши учрашуви.

1.15 "Янги тонг".

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".

8.00 Телегазета "Экспресс".

8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

8.45 ТВда сериал: "Санта-Барбара".

9.25 "Спорт-тайм".

9.45 "Сеними, шоймай тур!"

Мультифильм.

10.05 ТВда сериал: "Машхур ва бадавлат одамлар".

10.45-11.05 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).

17.25 Кўрсатувлар дастури.

17.30 "Эхтиром ила...".

18.00, 21.00, 22.30, 23.35 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

18.20 Телегазета "Экспресс".

18.45, 19.50 "Табриклаймиз, кутлаймиз".

РДТ

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастурлари

18.20 Телегазета "Экспресс".
18.45, 19.50 "Табриклаймиз, кутлаймиз".

19.30 "Хусусийлаштириш: кадам-бақадим".
20.30 "Осийишалик фидойилари".

20.45 "Хайри оқшом".
21.20 ТВда сериал: "Қора дур доналари".

22.00 Телегазета "Экспресс".
22.25 Оханлар ва Ўзлонлар.
22.50 ТВда сериал: "Машхур ва бадавлат одамлар".

23.55 "Хайри тун, шаҳрим!".
14.50 "Довжораклар". Телесериал.

15.40 "Муслик лаҳзалар".
15.45 "Ракслар қанотида".
16.05 "Сенинг вақтинг".

16.25 "Спорт-китаси".
16.55 "Кўрсатувлар дастури".
17.00 "Янги авлод": "Олтин қалли".

"Мультимоша".
17.35 "Бизнес-доктор". 9-курсатув. "Банкротлик".
18.05 "Олтин мерос".

18.15 "Тараққиёт".
18.30 "Ўқолаш".
18.50 "Муслик лаҳзалар".

19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс ва Ўқолаш".
19.35 "Табриклаймиз".

19.55 "Давр" — интервью.
20.10 "Муслик".
20.35, 21.30, 22.30 Ўзлонлар.

20.40 "Доктор Финли". Телесериал.
21.35 "Бегойим".
21.55 "Муслик лаҳзалар".

22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Муслик лаҳзалар".
22.40 "Ўқолаш".

23.30 "Мухаббат ҳақваси". Телесериал.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.15 "Футбол". Чемпионлар лигаси.

“Энг улуғ, энг азиз” танловига

БУНДАЙ ЯШАШ ИФТИХОРГА АЙЛАНАР

Ҳамид Норкулнинг илк ижодидан намуналар “Тошкент ҳақиқати” газетасида чоп этилганига йигирма йил бўлди. “Газетага бўлган илҳосим жуда баланд. Ҳар бир ижодим намунаси босилганида, буни азиз газетхонлар олдидаги бир имтиҳон деб тушунаман. Чунки,

“Тошкент ҳақиқати” газетаси адабиётимиз гулшанида қалам тобра-таётган жуда кўплаб шоир ва ёзувчиларнинг бўлоқ кўзларини очган нашрдир”, дейди шоир. Бугун Ҳамид Норкулнинг янги шеърлари-дан тузилган гўлдастани эътиборингизга ҳавола этамиз.

ОНАМОНДАН ҲАМ...

Онамдан ҳам азизроқ ким бор дунёда?
Жаннатий йўл эрур, у босган ҳар бир қадам.

Савоб излаб ўтди умрим, кўларим очик,
Сўратмасдан савобларга кўнган шу онам.

Онамдан ҳам азизроқ ким бор дунёда,
Қўёқ тошга тўлган юрак тоғимни ортган,

Ўзим қолиб шу оқарган сочларим учун
Ёнбошлаган ёстиғимга қараб “ух” тортган.

Онамдан ҳам азизроқ ким бор дунёда,
Умрим баҳор ва ёз, совуқ қиш ва кузники.

— Уғилларим дуолари борар гўрими,
Бир қияда қолар, — дейди қулиб, — қизники.

Онамдан ҳам азизроқ ким бор дунёда,
Юрагимнинг ўртасидан ўтган улуғ из.
Босиб ўтган туғлардан тирилганим чоғ,
Фақат онам қолиб, менинг ёнимда ёлғиз.

Онамдан ҳам азизроқ ким бор дунёда,
Мен ўлимга олишмадим тиришлик тузин.
Бир беш кунлик дунё менинг умримга ўлчов,
Онамнинг умри беш кунлик дунёдан узун.

Онамдан ҳам азизроқ ким бор дунёда.

XXI АСР

Йигирма биринчи — тонг янглиғ асрим,
Сенга интилмоқда катта бир қарвон.
Пешвоз чик, алп юртим Ўзбекистоним
Минг бир мўъжизангга қўяжак нарвон.

Сиз эй, Фарб-у Шарқ, Шимол-у Жануб
Олқишланг Алпомиш авлодларини.
Улуғлар юрти бу, мардларнинг юрти,
Тарих ҳам тан олган аждодларини.

Қадди баланд, юксак Ватан бўлажак,
Ўзига хон, ўзига бек эли бор.

Барака танглайин кўтариб кетган,
Оллоҳ саховати тупроғига ёр.

Бунда яшаш ифтихорга айланар,
Қўш уйнар қизларнинг юзларида.
Елкасида меҳнатни даст кўтариб,
Ўт қақнайди йигитларин изларида.

Йигирма биринчи, эй, менинг асрим,
Сен бизни ғолиб бил, ғолиб чиқамиз.
Ҳаёт ҳам кўпқари, ҳали кўрасан,
Улоқни тудадан олиб чиқамиз...

ВАЯТЛАНИИ
УНУПСАНИ...

Санчибли яшайди тилақлар,
Тошларга макондор юраклар,
Ханжардир тик турган терақлар,
Ватанни унутсанг, Ватанда...

Ҳаётан гўр бўлиб гувайди,
Йилмонинг оч штек улайди,
Кўзингни туманлар қулайди,
Ватанни унутсанг, Ватанда...

Бандасан, сеники миннатли,
Нима бор дилингда қимматли,
Қасос ҳам аслида қисматли,
Ватанни унутсанг, Ватанда...

Эътиқод — виждоннинг онаси,
Ватаннинг сенга йўқ тағнаси,
Миннатнинг чиргадир нағнаси,
Ватанни унутсанг, Ватанда...

Тиз қўйиб яшасанг ўзингга,
Ўт кетар босган ҳар изингга.
Эл қандай кўринар кўзингга,
Ватанни унутсанг, Ватанда.

Ҳамид НОРКУЛ.

БОЛАГА ЎХШАТГИМ
КЕЛАДИ СИЗНИ...

МУҚАДДАС деб саналган сахна бир осмон бўлса, актёрлар шу осмоннинг юлдузларидир. Юлдузларнинг ўзига яраша ўрни, нури, оҳангбоси бор. Отаҳон санъат маскани ҳисобланмиш Ҳамза номли театрда ҳам ана шундай ўз ўрни, овози, қатъияси, муҳлис-ларига эга бўлган бир актёра бор. У Гав-ҳар Зокировадир.

У билан ҳар гал суҳбатлаш жараёнида турмуш таъшиллари билан ўралашиб, елиб-югуриб, домю шошиб, андек дағаллашиб қолганда, оғзинча бўлса ҳам меҳр, муомалани унутган-дек сездим ўзимни. Гавҳар опанинг “қизим”, дея му-рожаат қилиши, ширин э-ркалибди гапирлишлари, ўзи-га ярашиб турган қулишлар билан мени ўзига тор-тиб олганини сезмай қолибман.

Гавҳар Зокирова Тош-кентнинг Лаёзак маҳалла-сида туғилган. Домла Аб-дулла Авлонийнинг чевара-си бўлганлиги учунми ёки бошқа бир сабабми мактаб-да ўқиб юрган Гавҳар ак-триса бўлиши озу қилиб қолганки, бу гапларни ай-таганда дугоналари унинг устидан роса қулишарди. Ич-ичидан ҳўрлиги келган қиз мактабни тамомлағач қатъий қарор билан театр институтига кирмоқчи экан-лигини ота-онасига айта ол-мади. Отаси Акмалжон а-каннинг маслаҳати билан Тошкент давлат политех-ника институтига ўқишга кир-ди. Тез орада бу ўқишга лаёқати йўқ эканлигини онаси Туйғун ойи опа сезиб қо-лади ва фабрикага ишга беради. Гавҳар фабрикада тикувчи бўлиб ишлайди ва ишдан бўш пайтларида ўзи хоҳлаган олийгоҳга кириш учун тайёрланади.

Нихоят, Тошкент давлат театр-рассомлик институти-га ўқишга киришга муваф-фақ бўлди. Гавҳар астой-дил ўқиди ва олийгоҳни имтиёзли диплом билан та-момлади. Ҳамза номли ўзбек давлат академик те-атрида унинг илк ижоди бошланди. Мана, йигирма беш йилдирки, у шу дар-гоҳда тинмай-ҳормай ижод қилиб келмоқда. Бугун у халқимизнинг севимли актё-рисасига айланган.

Севдоре ЛАТИПОВА.

Машинамиз Тувғузидан ўтиб, қуюқ дарахт-зорлар орасидаги йўлга бурилди.
— Мана “Меҳржон” боғи, — деди хайдовчи ҳамроҳимиз. — Бу ерларда учта болалар ором-гоҳи бор эди. Ҳозир битта “Меҳржон” сикатгоҳи қимирлаб турибди. Бош шифокори Ҳосият Тур-ғунбоева деган олимиз ўзини ўтга, сувга уриб, барча нарсани бадавстур қилаяпти. Борганда, ўзингиз қарасиз.

Машина “Меҳржон” бо-лалар сикатгоҳига ҳуш ке-либсиз”, деган пешлаваха олдида тўхтади. Бирок хай-довчимиз оромгоҳ макто-видан тўхтамади. Ичкари-дан вужудидан қуч-гайрат ёғилиб турган аёл чиқиб келди.

— Сизга айтган опа шу киши бўладилар, — деди ҳамроҳим.

— Ҳосият Охунжонов-на, бу ерга раҳбар бўлиб қачон келгансиз?

— 1989 йилда. Мана уртачирқик тумани санита-рия-эпидемиология станциясида бош врач бўлиб ишладим.

— Тошкент Давлат Тиббий институтининг санитария-гиги-ения факультети-ни тугатган экансиз-да?!

— Худди шундай. Элнора Бобонова деган муаллимимиз бўларди. Доим “Хакгўй бўлинлар, қаерда қийин-чилик бўлса, ўша ерга оти-либ бординлар, қийинчи-ликлардан қўрқманглар. Ҳеч қачон билимни тўксиз-туғал деб ўйламам, ўз устингизда тинмай ишлан-глар, малака оширинглар деб уқтирарди”. Шунинг учун малака ошириш кур-сларида кўп бора тахсил олдим, оромгоҳга бориш-ни тавсия этишганда, ҳеч иккиланмай рози бўлдим.

— Айтишларча, Тўйтепада биринчи бўлиб лаборатория ҳам очган экансиз?!

— Шунчака бўлувди. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси Мирасиз Рўзमतов Польшадан кел-тирилган зарур жиҳозлар-ни олиб берганди. Бу ла-бораторияда асосан сабза-вот, мева, полиз экинлар-ридаги зарарли кимёвий моддалар миқдорини тек-ширарди.

— Оромгоҳга келиб ишни нимадан бошла-дингиз?

— Кўриб турибсиз, оромгоҳ Тошкент дегизи соҳилда жойлашган. Энг аввало ахил, меҳнатсевар жамоа тўплай олдим. Фай-

“МЕХРЖОН”НИНГ
ОНАЖОНИСИ

ҳамма шароитлар мўхайё қилинган. Мана бу ер мада-ний хордиқ маскани, кино-фильмлар намойиш қилина-ди, концертлар қўйилади, учрашувлар бўлиб ўтади. Кат-такон ҳовузими, душхона-ларни қўридангизми? Сауна-миз ҳам бор, ҳафтасига икки марта ишлайди. Иккита ис-сиқхонамизда помидор етиш-тирляпмиз, болалар дам олишга келгунча пишади. Энди юринг, оромгоҳнинг фермасини бир кўриб қўйинг: 7-8та сигиримиз, бузоқлари-миз бор. Шукр, сут, қатқни сотиб оламиз.

— Ишинг кўламини жуда ҳам катта экан. Жамоа ҳам шунга ярашадир?

— Мавсум бошланганда, хизматчилар кўпаяди. Тар-биячилар, етакчилар, шифо-корларни ҳам жалб қиламиз-да. Лекин, асосий ишчилар 20та. Уларнинг орасида элек-трич ҳам бор, пайвандчиси ҳам, боғбони ҳам, қурувчиси ҳам бор. Барча биналарни, боғ-хўдудига мосламаларни ўзи-миз таъмирдан чикардик. Чет-дан биронта уста чикармаган-миз. “Бор қўшинига ялингун-ча, йўқ ўзингга йингла”, дей-ди-ку халқимиз. Ўтган йили газ ҳам, ичимлик сув ҳам, электр ҳам келтирдик. Хов

нарида ўттиз чоғлик хонадон бор. Уларга ҳам бу қулайлик-лар етиб борди. Ҳаммаси янги рўзгор эмасми, жуда хурсанд бўлишди. Зарур пайтда дар-ҳол кўмакка келишди. Урмон хўжалиги ҳам баҳраманд бўлди. Биласиз, ўрмон бўлгандан кейин турли мева-чевалар сероб бўлади. Ёзда болалар билан борамиз, мева-чева терамиз, компот, мурabboлар тайёрлаймиз. Хўплас, қўни-қўшиллар билан ахил-иноқ, боримизни баҳам-кўриб яшамокдамыз. Худо хоҳласа, “Меҳржон” боғими-даги минг туп қўчат ҳосилга кирса, янада тўқинчилик бўлиб кетади.

— Болалар қачон дам ол-гани келишади?

— Ишонинг учинчи кунин-дан. Ҳар бир навбатда 500тага яқин болалар дам олади, да-воланади. Асосан, Орол

бора келди. “Онажон” деб бир хатлар ёзди дег.

— Ўзингиз ҳам бола-жон аёл бўлсангиз ке-рак-да.

— Оиламизда ўн икки жон ўсганмиз. Ўзимнинг эса, бир ўғил ва бир қизим бор. Ўлғайишган, олий маълумотли, бир ишнинг бошини тутишган.

— Ерни жуда яхши кўришингизга ҳавасим келди.

— Отам катта дехқон бўлганлар. Кетмонни ҳам авайлаб ерга урардилар. Балки отамдан ўтган бўлса керак бу меҳр.

— Режаларингиз қан-дай?

— Товуқчилик фермаси ҳам ташкил қилмоқчимиз. Ҳар ҳолда бир донна тухум бўлса ҳам болаларга қу-ват бўлади. Ортиқчасини сотамиз. Бирор кори-мизга яратамиз.

— Бу йил — Со-ғлом авлод йили. Болаларни дурқун, бақувват бўлиши учун яна нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Энг аввало ерни, сувни тоза сақлаши-миз керак. Табиати ардоқлашимиз, унга озор бермаслигимиз зарур.

Чунки, табиат соғлом бўлса, ноз-неъматлар ҳам покиза бўлади. Уни еган болаларнинг вужудида со-ғлом руҳ барқарор яшай-ди. Болаларни севиб шун-одаминг ўзига на эмас, балки онги, тафаккури ҳам соғлом бўлиши керак. Кей-инги беш-ўн йил ичида Ўзбекистонда айнан мана шундай мақсадда улуғвор ишлар олиб боришмоқда.

Бунинг учун энг аввало Президентимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак кам.

— Сизни “опа” дей-шар экан?

— Вой, йигирма икки ёшдан бери “опа” деб қаҳиришадим. Кап-катта одамлар нега мени “опа” дейишади деб аввалгига ҳафа бўлиб юрдим. Кейин ўрганиб кетдим.

Ҳосият Турғунбоева тўлиб-тошиб сўзларди. “Меҳржон” оромгоҳидаги 500-1000 болаларга оналик меҳрини бе-риб, ардоқлаб, уларнинг тани оғриси, қалби зирқираб, қулса, вужуди яйраб юрадиган бу аёл чиндан ҳам қўнгли денгиздек, меҳри дарёдек онажон экан. Опа: “Менинг уйим “Меҳржон”, бу ердаги болаларим фарзандларим” дер экан. Қошқийди ҳамма ҳам опага ўхшаса. Келажак авлодга юрагини бахш этса.

Суҳбатдош Темура ЙЎЛДОШЕВ.

“АДИДАС” ДЕСАНГИЗ, БАС...

ҲАР БИР НАРСАНИНГ тарихи бўлгани каби, “Адида-с” деган номнинг ҳам ўзига ҳос ибтидои бор. 1920 йилда Бавариянинг Харцо-на шаҳарчасида этникўз, ашаддий спорт иштироки бўлди. 1936 йилда икки воқеа рўй берди. Ади-Дасслер хонадонидан биринчи ўғил Хорст туғилди. Бөрлин-даги олимпиадада югурувчи Жесси Оуэнс устанинг махсус шиппаида югуриб, 4та олтин медални қўлга киритди.

1948 йилда этникўз ўз фирмасини очди. Фирма “Адида-с” (исм ва фамилиянинг биринчи унтакдан ҳарфи) номи билан аталди. Дасслер ўз мах-сулотларининг шуҳрат қозо-ниши учун бир нафас ҳам тиним билмади. Ўзи қосиб бўлса ҳам, 700 кашфетнинг муаллифи бўлди. Энг аjoyиб ихтироси пойабзаллардаги учта чарм чиққидир. Бу чи-зиклар 1949 йилдан бошлаб “Адида-с”нинг ташриф қозо-мига айланди.

Биласизми?!

1952 йилда-да олимпиада-да спортчи-ларнинг жуда кўпчилигининг оёғида “Адида-с” бор эди. Худди шу йили чарм спорт-халталари ҳам одамларнинг қўлидан тушмайдиган бўлди.

1954 йилда тағида миҳа-лари бор бутсилар чиқа бош-лади. ГФР футболчилари ай-нан бу бутсиларда жаҳон че-мпионари бўлдилар. 1963 йил-дан эса, футбол тўплари иш-лаб чиқарила бошланди. 1964

йилда оғирлиги бор-йўғи 96 грамм келадиган, югурувчи-ларга мўлжалланган шип-пақлар яратилди. 1967 йил-да биринчи бор учта қизил чиғизи бор “Адида-с” спорт костюмлари дунёга келди.

1978 йилда Ади Дасслер вафот этди. 1984 йилда унинг беваси Катя Дасслер ҳам ҳаёт билан хайрлашди.

1987 йилда уларнинг катта ўғли Хорст 51 ёшида дунё-дан кўз юмди. “Адида-с” бу уч йўқотишдан кейин ўз мавке-сини йўқота бошлади. Ҳозир “Адида-с” фирмаси Роберт Луи Дрейфус бошчилигида-ги бир гуруҳ инвесторлар қўлида. Фирма яна ўзининг қаддини ростлаб олди. Унинг йиллик савдо ҳажми 4-5 миллиард доллардан ошади.

Ғолиб МИРЗО тайёрлади.

ҲОЗИРЧА
БЕШ НАФАР

МАМЛАКАТИМИЗ спорт муҳлис-ларига маълум-ки, бу йилги жаҳон ёғи Олимпиа-да йўналиши Австралиянинг пойтахти Сидней шаҳрида ўткази-лади. Мусобақаларга сентябрь ойининг ўртала-рида старт берилади.

Олимпиада йўналиши мез-бонлари жаҳоннинг юзга яқин мамлакатидан ташриф буюрадиган меҳмонларни сентябрнинг дастлабки кун-лариданоқ қабул қила бош-лайдилар. Табиийки, Ўзе-бекистоннинг ўнлаб моҳир спортчилари ўшбу нуфузли анжуманда мамлакатимиз энг кучли спортчилардан ҳисобланади.

Чирчиқлик икки нафар боксчимиз ҳам Олимпиа-да йўналишига йўлланма-ни қандай қилиб қўйишган. 91 килограмм вазнда рингга чиқадиган Рустам Саидов ҳам, 54 килограмм вазн тоифасида беллашадиган Алишер Раҳимов ҳам юксак унвонларни қўлга кирити-шган. Чунончи, ҳар икки боксчимиз ҳам Осиё че-мпиони, бир қатор халқро му-собақалар соҳибдориди.

Яна бир вақилимиз — Адам Очиллов республика-миз эркин курашчилари орасида кучли маҳорати билан танилган. У ҳам хал-қро беллашувлардан таш-қари жаҳон қўбоғи мусоба-қасининг соҳибдоридир.

Биз вилотимизда қилла-рига бўлажак ёғи Олимпиа-да йўналишида омад ёр бўли-шини тилаймиз.

Самад ЙЎЛДОШ.

ДОҒНИ КЕТКАЗАМИЗ

Олпоқ қўйлагингизга мева шарбати томди, дей-лик. Ўша заҳоти уни қайноқ сув билан чайсангиз, доғи қолмайди. Мабоодо у анча олдин томган бўлса, лимон-ли қислота билан ювиб бир-стакан сувга 2 грамм ташланг.

Лексин зинҳор соғун ишла-та қўрманг. Доғ умуман кетмайдиган бўлиб қолади.

Боркин ранг жун қийим-лардаги ёғ доғларини қўй-дирилган магнетиз қўқунни аралаштирилган бензин бил-ан артоса бўлади. Бу қўқун дорихоналарда сотилади. Ҳосил бўлган қўқунни доғ жойга ахшилаб суртинг, қўқунинг, сўнг чўтка билан тозалаб ташланг.

Тўқ ранг жун ёки шох қўйлақларга ёғ томизиб юборсангиз, дарҳол унга бир неча марта буқланган фил-тер ёки босма қозғо бо-синг. Кейин то доғ кетма-гунча, устидан қизилган даз-мол юргизинг.

Шохи қўйлақлардаги ёғ доғларини нашатир спирт-га аралаштирилган туз яхши кеткизади.

Ёғ ёки катта доғларни одадта бензин билан кет-казилади. Бунинг учун қий-мага бир парча оқ сурп ёки бир неча қават буқланган фил-тер қозғо қўйиладиган. Доғни тоза пахтага шим-ди-рилган бензин билан эҳти-ё-лаб артилади.

Бекажон

Шохи мато-дан тайёрланган қийимлардаги доғни кетказиш-нинг яна бир йўли бор. Бир ош қошиқ нашатир спирт, бир ош қошиқ глицерин, бир ош қошиқ сув аралаш-масига доғ теккан жой 5-10 минут солиб қўйиладиган. Сўнгра қийимни тоза сувга қайиб олмасиз.

Чой доғини икки чой қошиқ глицерин, ярим қошиқ 10 фоизли нашатир спирт аралашмаси шимди-рилган тоза пахта билан артинг. Доғнинг ўрни қол-масин десангиз, унинг атро-фини сув билан ҳўллаб қўйинг.

Пахтадан ва сунъий ипақдан тайёрланган қийим-лардаги занг доғини кет-казиш учун уни бир неча қошиқ 10 фоизли шовул қислотаси солинган сув бил-ан артинг. Сўнгра тоза сувга ахшилаб чайинг.



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилиш-ларча, 29 апрель ва 3 май кун-ларининг биринчи ярмида ёғинар-чилик бўлмайди. Иккинчи ярми-да эса Тошкент вилоятида қисқа муддатли ёғимир ёғиб, момакалди-роқ бўлади, шамолнинг тезлиги қунайиб, секундида 15-20 метрга етади. Ҳаро-рат кечалари 11-16 даража илиқ, кундуз кунлари эса 25-30 даража иссиқ бўлади. Ёғинарчилик вақтида ҳаро-рат 18-23 даража илиқ бўлади.

“Нуроний” жағғармаси Тошкент вилояти бўлими меҳнат фахрийси Нозим Носировга уру йўлашди. Робияжон НОСИРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан қўқур ҳамдардлик изҳор қилди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Манзилими:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълолар: 133-40-48,
136-57-27.

Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далил-ларнинг тўғрилиги учун ре-лама ва эълон берувчилар масъулдир.